# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЎСАЁТГАН ЭМАН ТУРЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Хожамуротов Нагметулла Бегдулла ули
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжжалиги ва агротехнологиялар институти мустақил тадқиқотчиси

Эман туркуми (*Quercus*), қорақайиндошлар (*Fagaceae*) оиласининг асосий вакили бўлиб, 600 га яқин тури бор. Барча турлари йирик дарахт бўлиб, шох-шаббаси ёйиқ, баъзан буталари ҳам учрайди. Ёш дарахтининг пўстлоғи силлиқ, тўқ кул рангда бўлиб, сўнг бўйига ёрилади. Айрим турларининг пўстлоғида пўкак қаватлар ҳосил бўлади. Куртаклари бандсиз, тангачалар билан қопланган бўлиб, спирал шаклда жойлашади. Барглари ҳам оддий, спирал шаклда жойлашади, баъзи турларида қиш бўйи яшил ҳолда сақланади, бошқаларида эса тез тўкилиб кетади [1-4].

Эман турлари ўрмон-дашт минтақа ўсимлигиги ҳисобланиб, тоғ ва тоғолди текисликларида ўсади. Пўстлоғида 8% га яқин ошловчи моддалар бор. Қора денгиз бўйидаги шаҳарларда кўп экилади. Тошкент шаҳрининг айрим жойларида уни учратиш мумкин, лекин унча кўп тарқалмаган. Чунки ёш вақтида қаттиқ совуқдан зарарланади. Лекин бизнинг шароитда қаттиқ совуқ хам бўлади, шунинг учун уни кенг миқёсда экиш тавсия қилинади. Уни якка-якка ёки тўда-тўда қилиб экиш мақсадга мувофиқ. Кўкаламзорлаштиришда истиқболли тур ҳисобланади.

Оддий эман ва каштанбаргли эманнинг ўсиш ҳудуди уларнинг фенологияси ва ўсиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда, улар уруғларидаги сифат кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳам таҳлил этилди. Бунинг учун алоҳида ва бошқа турлар билан бирга ўсган дарахтлар танлаб олинди. Ушбу ҳудудлардаги дарахтлар ўзининг ўсиш кўрсаткичлари ва биоэкологик кўрсаткичлари бўйича ҳудудлар учун модель дарахт вазифасини бажара олганлиги учун танлаб олинди.

Турлар уруғларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ишлари Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ўсимликшунослик, ўрмончилик ва ландшафт дизайн кафедраси лабораториясида амалга оширилди. Тадқиқ этилаётган турлар уруғларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш ишлари 1000 дона уруғ оғирлиги, уруғ тозалиги, 1 кг даги уруғлар сони ва уруғ унувчанлигини аниқлаш орқали амалга оширилди.

**Оддий ва каштанбаргли эман уруғларининг сифат кўрсаткичлари**

| № | Тур номи | 1000 дона уруғ оғирлиги, г | Уруғ тозалиги, % | 1 кг даги уруғлар сони, минг дона | Уруғ унувчанлиги, % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Оддий эман | 3250±14,5 | 92,4±2,1 | 0,31±0,04 | 81,3 |
| 2 | Каштан баргли эман | 2850±12,0 | 88,6±3,4 | 0,11±0,01 | 77,8 |

Дастлаб оддий ва каштанбаргли эман уруғларининг 1000 дона уруғ оғирлигини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилди. Ушбу ишлар Hermes электрон тарозиси ёрдамида амалга оширилди. Тажрибаларнинг аниқлигини ошириш мақсадида уруғлар 100 дона, 500 дона ва 1000 дона миқдорда оғирликларини аниқлаш ишлари амалга оширилди. Ўлчоқ натижаларига кўра 1000 дона уруғ оғирлиги оддий эманда 3250±14,5 гр, каштанбаргли эманда эса 2850±12,0 гр эканлиги аниқланди.

Уруғ тозалигини аниқлаш ишлари ҳам ушбу лабораторияда амалга оширилди. Бунинг турларнинг уруғлари дуккакдан ажратиб олинди ва уларнинг тозалигини аниқлаш ишлари амалга оширилди. Тадқиқотларда оддий эман уруғларининг тозалиги каштанбаргли эман уруғларидан юқори эканлиги аниқланди. Уруғлар тозалиги оддий эманда 76,4±3,2%, каштанбаргли эманда эса 68,3±4,6% га тенг эканлиги аниқланди.

1 кг даги уруғлар сони 1000 дона уруғ оғирлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланди. Бунда оддий эманнинг уруғлар ўлчами ва оғирлиги катта бўлиши 1 кг даги уруғлар сонининг кам бўлишига сабаб бўлди. Бу эса 1 кг даги

уруғлар сони оддий эманда 3250±14,5 минг дона, каштанбаргли эманда эса 2850±12,0 минг дона эканлигини келтириб чиқарди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Кайимов А.К. Дендрология. - Тошкент, “Фан ва технология” –2007.– 248 б.

Кайимов А.К., Куламетов А.Р. Дендрология. - Тошкент, “Тош ДАУ нашриёт таҳрир бўлими” – 2001.- 23 б.

Кайимов А.К., Бердиев Э.Т. Дендрология.-Тошкент, – 2012.- 248-252 б.

Кайимов А.К., Бердиев Э.Т.,Тураев А.Т., Ҳамроев Ҳ.Ф., Турдиев С.А. Дендрология. - Тошкент: – 2014. – 256-260 б.